

Москва жоме масжидида 24 соат Қуръони карим тиловат қилинади



09:36 / 23.01.2019 1652

Россия муфтийси раиси шайх Равил Гайнутдиннинг кўрсатмасига биноан 2019 йил 7 январдан бошлаб, Москва жоме масжидида 24 соат Қуръони карим тиловати йўлга қўйилди, деб ёзади масжиднинг mihrab.ru сайти.

Маълум бўлишича, Каломуллоҳ тиловати фақатгина фарз намозлари вақтида ўқилмайди, қолган вақтларда қорилар навбатма-навбат ўқиб борадилар. Қуръони карим тиловати масжиднинг mihrab.ru сайти орқали онлайн узатиб борилмоқда. Аллоҳ каломининг ўқилиши катта аҳамиятга эга бўлиб, тиловат туфайли масжид ва унинг атрофига тинимсиз раҳмати илоҳийнинг ёғилиб туришига сабаб бўлади, дейилади масжиднинг сайтида.

Islom.uz портали таҳририяти